

**ГЕНЕТИКА ВА ЎСИМЛИКЛАР ЭКСПЕРИМЕНТАЛ БИОЛОГИЯСИ
ИНСТИТУТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.29.08.2017.B.53.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ДЖАББАРОВ ИБРОХИМ ШОДМАНОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОН ЖАНУБИ-ҒАРБИЙ МИНТАҚАСИДАН ҚАДИМИЙ
МАҲАЛЛИЙ БАҲОРГИ ЮМШОҚ БУҒДОЙНИНГ НАВ
НАМУНАЛАРИНИ ГЕНЕТИК ВА ФИЗИОЛОГИК ХИЛМА-ХИЛЛИГИ**

**03.00.09 – Умумий генетика
03.00.07- Ўсимликлар физиологияси ва биокимёси**

БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ - 2019

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Contents of the abstract of doctoral (DSc) dissertation

Джаббаров Иброхим Шодманович

Ўзбекистон жануби-ғарбий минтақасидан қадимий маҳаллий баҳорги юмшоқ буғдойнинг нав намуналарини генетик ва физиологик хилма-хиллиги.....

5

Джаббаров Иброхим Шодманович

Генетическое и физиологическое разнообразие стародавних сортообразцов яровой мягкой пшеницы из юго-западного региона Узбекистана

29

Djabborov Ibrohim SHodmanovich

Genetic and physiological diversity of varieties of ancient spring wheat varieties from the southwestern part of Uzbekistan.....

57

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....

60

**ГЕНЕТИКА ВА ЎСИМЛИКЛАР ЭКСПЕРИМЕНТАЛ БИОЛОГИЯСИ
ИНСТИТУТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.29.08.2017.B.53.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ДЖАББАРОВ ИБРОХИМ ШОДМАНОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОН ЖАНУБИ-ҒАРБИЙ МИНТАҚАСИДАН ҚАДИМИЙ
МАҲАЛЛИЙ БАҲОРГИ ЮМШОҚ БУҒДОЙНИНГ НАВ
НАМУНАЛАРИНИ ГЕНЕТИК ВА ФИЗИОЛОГИК ХИЛМА-ХИЛЛИГИ**

**03.00.09 – Умумий генетика
03.00.07- Ўсимликлар физиологияси ва биокимёси**

БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ - 2019

Биология фанлари доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.2.(DSc)/B99 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.genetika.uz) манзилига ҳамда «Ziyonet» Ахборот-таълим порталининг (www.ziyonet.uz) манзилига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Ризаева Сафия Мамедовна
биология фанлари доктори, профессор

Ходжаев Журакул Ходжаевич
биология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Давронов Қодиржон Сотволдиевич
биология фанлари доктори, профессор

Халилов Насриддин Халилович
кишлоқ хўжалик фанлари доктори, профессор

Кушанов Фахриддин Ньматуллаевич
биология фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Андижон Давлат Университети

Диссертация ҳимояси Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти ва Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.29.08.2017.B.53.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «__» _____ кунни соат __ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111226, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Юқори юз. Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти мажлислар зали. Тел.: (+998-71)-264-23-90, факс (+998-71)-264-23-90, e-mail: igebr@academy.uz).

Диссертация билан Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (__ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 111226, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Юқори юз. Тел.: (+998-71)-264-23-90.

Диссертация автореферати 2019 йил «__» _____ кунни тарқатилди.
(2019 йил «__» _____ даги (__ рақамли реестр баённомаси)

А.А.Нариманов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
раиси, к/х.ф.д. профессор

С.К.Бабоев
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
илмий котиби, б.ф.д. профессор

М.Ф.Абзалов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д.,
профессор

КИРИШ (фан доктори(DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Дунёда аҳолининг тез ўсиши асосий озиқ-овқат маҳсулоти бўлган буғдой донига бўлган талабни ўсишига олиб келмоқда. Жаҳонда буғдой билан банд экин майдони 215 млн.гани ташкил этади. Буғдой донига ўсиб бораётган талабни қондириш учун дунё бўйича ҳозирги ҳар йилги ишлаб чиқарилаётган 650-700 млн.тоннани 1 млрд. тоннага етказиш лозим¹. Буғдой донини ишлаб чиқаришнинг ўсишига янги серҳосил ва экологик мослашувчан навларни яратиш ҳисобига эришилиши мумкин. Шу муносабат билан комплекс қимматли-хўжалик белгилари ва хусусиятлари (юқори ҳосилдорлик ва доннинг юқори сифати, қишга ва қурғоқчиликка чидамлик, касалликларга ва ётиб қолишга чидамлик)га эга бўлган, маълум тупроқ-иқлим шароитларида ўстиришга яхши мослашган, ҳосилдорликнинг ирсий потенциалини тўлиқ намоён эта оладиган янги навларни яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш ҳамда уларни паспортлашнинг самарали усуллари ишлаб чиқиш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Жаҳон генетика-селекция амалиётида буғдойнинг ташқи муҳитнинг турли ноқулай биотик ва абиотик омилларига чидамлигини таъминлайдиган белгиларнинг потенциал фойдали манбалари бўлган юмшоқ буғдойнинг қадимий навларидан кенг фойдаланилмоқда. Бундан ташқари буғдойнинг жаҳон генофондидан ажратиб олинган фойдали белгилар манбалари селекцион дастурларда буғдойнинг иқтисодий самарадор навларини яратишда кенг қўлланилмоқда. Бунда амалий селекция ва илмий тадқиқотларда қимматли генетик манбаларни ажратиш, молекуляр селекциянинг самарали усуллари қўллаган ҳолда буғдойнинг қадимий маҳаллий нав намуналарининг генетик хилма-хиллигини аниқлаш, уларнинг ирсий ўхшашлиги ва фарқини идентификация қилиш долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Республикада бошоқли дон экинлари ҳосилдорлигини ошириш, юқори сифатли уруғлик материалларини тайёрлаш, янги ҳосилдор, касаллик ва зараркунандаларга чидамли ва тупроқ иқлим шароитларига яхши мослаша оладиган навларни танлаш ва амалиётга жорий этиш борасида бир қатор ютуқларга эришилди. Жадал ривожланаётган қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида янги навларни яратишга қаратилган миллий селекциянинг долзарб муаммоларини ҳал этиш учун ўсимликларнинг генетик ресурсларини сақлаш, бойитиш ва улардан фойдаланишга катта эътибор қаратилмоқда. Жумладан, қадимий маҳаллий буғдой навлари йиғилиб селекция жараёнига жорий этилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш ҳаракатлар стратегиясида “қишлоқ хўжалик экинларининг касаллик ва зараркунандаларга чидамли, маҳаллий тупроқ-иқлим ва экологик шароитларга мослашган янги селекцион навларини яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш бўйича илмий тадқиқот ишларини янада

¹ <http://faostat.fao.org>

кенгайтириш”² бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу вазифалардан келиб чиққан ҳолда юмшоқ буғдойнинг потенциал ҳосилдорлиги 10 т/га, доннинг нонбоплик сифати юқори, оксил миқдори юқори ва сифатли клейковинага эга янги навларини яратишда қадимий маҳаллий буғдой навларидан фойдаланиб янги навлар яратиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 21 сентябрдаги 409-сонли “Ўсимлик дунёсини сақлаш ва унумли фойдаланиш тўғрисида”ги қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 27 ноябрдаги 959-сон «Бошоқли дон етиштиришни янада рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларга мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V “Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи³. Юмшоқ буғдой маҳаллий навлари геофондини йиғиш, сақлаш ўрганиш ва фойдаланишга йўналтирилган илмий тадқиқотлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан National Institute for Agricultural Research (Франция), Leibniz Institute for Plant Genetics (Германия), Institute of Plant Breeding, Genetics and Genomics (АҚШ), The Institute of Agricultural Research (Япония), International Grain Institute (Канада), Institute of Crop Germplasm Resources (Хитой), National Bureau of Plant Genetic Resources (Ҳиндистон), Institute di Genetica Vegetative (Италия), Institute of Agrobiological Sciences (Япония), University of Kyoto (Япония), University of Sydney (Австралия), Россия федерал тадқиқотлар марказининг Генетик ресурслар институтида (Россия) ҳамда Генетика ва Ўсимликлар Экспериментал биологияси институтида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

Юмшоқ буғдойнинг генофондини ўрганиш бўйича тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан қуйидаги илмий натижалар олинган: фойдали белгиларнинг потенциал манбаларини аниқлаш учун молекуляр маркерларни қўллаган ҳолда коллекция намуналарини баҳолаш ва идентификация қилиш усуллари такомиллаштирилган (National Institute for Agricultural Research,

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони.

³ Диссертация мавзуси бўйича илмий тадқиқотлар шарҳи <http://www.shigen.nig.ac>, <http://www.csiro.au>, <http://www.innovationfarm.co.uk>, <http://www.figstatmine.com> и igebr@academy.uz. Манбалар асосида ишлаб чиқилган

Франция; Leibniz Institute for Plant Genetics, Германия); буғдой коллекцияси генетик хилма-хиллигини мақсадли кенгайтириш селекцияси учун бошланғич манба танлаш асосланган (University of Sydney, Австралия; Institute of Plant Breeding, Genetics and Genomics, АҚШ); ташқи муҳитнинг турли ноқулай омилларига мослашиш механизмлари аниқланган (Chinese Academy of Agriculture Sciences, Хитой; National Bureau of Plant Genetic Resources, Ҳиндистон; Istituto di Genetica Vegetative, Италия; Institute of Agrobiological Sciences, Япония); мақсадли субколлекциялар шакллантирилган ва унга киритилган намуналар генотипланган (University of Kyoto, Япония; University of California at San Diego, США).

Дунёда уруғларнинг турли генетик банкларида сақланаётган юмшоқ буғдойнинг (*Triticum aestivum* L.) қадимий навларининг генетик хилма-хиллигини аниқлаш, улар орасида фойдали белгиларнинг янги потенциал манбаларини ажратиш ва селекция дастурларида фойдаланиш бўйича, жумладан, қуйидаги устивор йўналишларда илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда: қимматли белгиларнинг маълум генлари аллелларининг хилма-хиллигини ўз ичига олган ўзак субколлекцияларини яратиш; коллекцион намуналарнинг генотипик ва фенотипик скрининги учун янги инновацион усулларни яратиш; коллекцион намуналарни генотиплаш ва фойдали белгиларнинг мажмуасига эга потенциал манбаларни ажратиш; маҳаллий иқлим шароитларига мослашган серҳосил буғдой навларини олиш мақсадида селекциянинг самарали дастурларини ишлаб чиқиш учун янги маркерларни аниқлаш ва уларни фенотипик белгилар билан қиёслаш; молекуляр маркерлар ёрдамида коллекцион намуналар белгиси бўйича генлар ва геномларни ассоциатив карталаштириш; буғдойнинг қадимий навларини узок муддатли *ex situ* сақлаш учун ген ДНКси банкини шакллантириш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Етакчи хорижий илмий марказларнинг олимлари селекция учун қимматли ирсий манба бўлган юмшоқ буғдойнинг қадимий маҳаллий навларининг генетик хилма-хиллигини баҳолаш бўйича тадқиқотлар олиб борилган (Н.И.Вавилов (1964), А.С.Zeven (1998), S.Dreisigacker (2005), О.П.Митрофанов (2012). Буғдойнинг маҳаллий навларини морфологик, экологик ва физиологик белгилар, ҳосилдорлик кўрсаткичлари тавсифи, ўсимликларни биологик ва хўжалик баҳолаш бўйича маълумотлар К.А.Фляксбергер (1935), Е.Ф.Палмов (1935), В.И.Разумов (1961), В.Ф.Дорофеев (1979), J.M.Engels (2011), Б.Ф.Немцев (1917) ишларида келтирилган. Селекция учун генетик коллекциянинг аҳамияти В.Г.Смирнов (2005), Е.Д.Богданова (2006), Н.П.Гончаров (2012, 2017), Г.Я.Маслова (2015), В.N.Andreas (2017), М.А.Есимбекова (2017), Е.К.Хлесткина (2017) ишларида келтирилган. ПЦР технологияни қўллаган ҳолда буғдой коллекцион намуналарини баҳолаш, уларнинг генетик хилма-хиллиги ва идентификацияси ҳақида маълумотлар Х.О.Hung (2004), Г.Е.Сулимова (2004), В.И.Вдовченко (2007), F.Balfourier (2007), S.Al.Khanjari (2007b), S.P.Moose (2008), М.Г.Смарагдов (2009), J.H.Peng (2009), Т.В.Матвеева (2011), О.П.Митрофанова (2012), Е.К.Хлесткина (2013),

И.В.Бобошина (2013), И.Ф.Лапочкина (2014), И.В.Лихенко (2017), М.М.Петрин (2017), Е.М.Морозова (2017) ишларида келтирилган. Селекция учун юмшоқ буғдой генофондининг аҳамияти тўғрисидаги маълумотлар А.А.Романенко (2005), Б.И.Сандухадзе (2011), Е.В.Зуев (2015), А.Раза (2015), И.В.Савченко (2017), С.И.Гриб (2017), В.И.Ковтун (2018) ишларида келтирилган.

Ўзбекистонда юмшоқ буғдойнинг қадимий навларини ажратиш, биологик ва агрономик баҳолаш бўйича кенга кўламли тадқиқотлар ЎзР ФА Г ва ЎЭБИ олимлари (С.К.Бабоев, А.К.Буранов, Т.А.Бозоров) ва бошқа олимлар ишларида ёритилган.

Юқорида кўрсатилган тадқиқотлар буғдойнинг қадимий нав намуналарининг жўғрофий тарқалганлиги, тақсимланганлиги, умумий тузилиши, фенотипик ва генетик хилма-хиллик даражаси, генотипларнинг турли генетик яқин гуруҳлари мавжудлиги, белгиларнинг жўғрофий ўзгарувчанлик хусусиятлари ҳақида тўлиқ маълумотларни ўз ичига олмаган. Селекцион дастурларда самарали фойдаланиш учун юмшоқ буғдойнинг маҳаллий қадимий навларидан янги потенциал манбаларни излаш, ажратиш идентификация қилиш ва хоссаларини ўрганиш соҳасида олиб борилаётган илмий тадқиқот етарли бўлмагани боис бу йўналишда илмий изланишлар олиб бориш ҳамда коллекция намуналари хилма-хиллигини генетик структурасини баҳолаш усуллари ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш бу экиннинг генетикаси ва замонавий селекцияси учун долзарб муаммо бўлиб қолмоқда.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд Давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг Т-24/96 “Доннинг юқори технологик сифатларига эга мослашувчан буғдой навларини яратишнинг экологик-генетик асослари” инновацион лойиҳаси ҳамда Генетика ва биотехнология кафедрасининг илмий-тадқиқот ишларининг тематик режасига мувофиқ “Экинларни яхшилаш мақсадида ўсимликларни ўрганиш ва буғдойнинг генетик ресурсларини йиғиш” мавзусидаги лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади. Ўзбекистон жануби-ғарбий минтақасидаги баҳорги юмшоқ буғдойнинг қадимий нав намуналарини генетик ва физиологик хилма-хиллигини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

баҳорги юмшоқ буғдойнинг қадимий нав намуналарининг жўғрофий тарқалганлик ва тақсимланганлик хусусиятларини ўрганиш;

коллекцион нав намуналарининг ўрганилган танловида морфологик ва молекуляр маркерлар бўйича хилма-хиллик структурасини ўрганиш;

баҳорги юмшоқ буғдойнинг қадимий нав намуналари белгиларининг жўғрофий ўзгарувчанлиги ва хилма-хиллигининг таҳлили;

бахорги юмшоқ буғдойнинг қадимий нав намуналаридан ажратиб олинган генотипларда миқдорий белгиларнинг генетик назорати ва ирсийланиш характери ни ўрганиш;

юмшоқ буғдой қадимий нав намуналари танловини физиологик кўрсаткичлар бўйича тавсифлаш ва белгилар бўйича аниқланган хилма-хилликка баҳо бериш;

амалий селекция учун бахорги юмшоқ буғдойнинг истиқболли шакллари ни ажратиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон жануби-ғарбий минтақаси бахорги юмшоқ буғдойининг 145 та қадимий нав намуналаридан фойдаланилди. Коллекция нав намуналари 9 та деҳқончилик туманининг 30 та жойидан йиғилди. Ҳар бир йиғиш жойидан ушбу терилган намуналарнинг умумий сонига боғлиқ равишда 1-6 та намуна тери б олинди. Денгиз сатхидан турли баландликда жойлашган деҳқончилик ҳудудларидан тери б олинган нав намуналари экологик-жўғрофий келиб чиқиши ва хилма-хиллиги билан бири-биридан фарқ қилади.

Тадқиқотнинг предмети Ўзбекистон жануби-ғарбий минтақасининг бахорги юмшоқ буғдой қадимий нав намуналарининг генетик ва физиологик хилма-хиллигини аниқлаш, коллекцион нав намуналарини морфофизиологик ва фенологик белгилар, ўсимлик ҳосилдорлиги кўрсаткичлари ва микросателлит локуслари таркиби бўйича баҳолаш, нав намуналари белгиларининг ирсийланиш характери ва ўзгарувчанлиги таҳлили, селекция дастурларида фойдаланиш учун истиқболли тизмаларни ажратиш ҳамда яратилган тизмаларнинг турли экологик ҳудудларда ўсиши, ривожланиши ва ҳосилининг барқарорлиги ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда буғдой генетикаси ва селекциясининг классик услублари, туричи дурагайлаш, генетик таҳлил, қиёсий морфология ва физиология усуллари, фенологик кузатувлар, микросателлит локуслари таҳлили учун ПЦР- технология, буғдой коллекцион нав намуналари хилма-хиллигини баҳолаш учун кластер таҳлили, генетик-статистика таҳлилларининг замонавий усуллари дан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор бахорги юмшоқ буғдой қадимий нав намуналари белгиларининг жўғрофий тарқалганлиги ва хилма-хиллик хусусиятлари аниқланиб, Ўзбекистон жануби-ғарбий минтақаси қадимий бахорги юмшоқ буғдойининг морфологик ва фенологик белгилари ва физиологик хусусиятлари, ўсимликлар ҳосилдорлиги кўрсаткичлари ва жойлашган ери маълум бешта микросателлит таркиби баҳоланган;

Ўзбекистон жануби-ғарбий минтақаси қадимий бахорги юмшоқ буғдой ботаник таркиби бўйича гетероген эканлиги, бир қанча сифат ва миқдорий белгиларнинг мажмуаси билан фарқланадиган иккитадан то тўрттагача ботаник хилма-хилликдан иборатлиги аниқланган;

Ўзбекистон жануби-ғарбий минтақасидаги қадимий юмшоқ буғдой навлари морфологик ва фенологик белгилари, ҳамда ҳосилдорлик кўрсаткичлари бўйича кенг хилма-хилликка эга эканлиги исботланган;

илк бора қадимий навлардан танлаб олинган генотипларда бешта микросателлит локуслари учун 34 та аллеллар идентификацияланган. Ўзбекистон жануби-ғарбий минтақаси доирасида Хgwm 46 локусининг 121 ва 260 аллеллари, Хgwm 199 локусининг 99 ва 177 аллеллари ва Хgwm 415 локусининг 121 ва 135 аллеллари жўғрофий энг кўп тарқалганлиги аниқланган;

баҳорги қадимий маҳаллий юмшоқ буғдойда турли экологик худудларда ҳосилдорлик кўрсаткичини ва генетик хилма-хилликни белгиловчи генлар спектрининг кучли қайта тақсимланиши рўй бериши исботланган;

илк бор микдорий белгиларнинг жўғрофий ўзгарувчанлиги ҳамда ўсимликлар ўсиши ва ривожланишининг физиологик хусусиятларини таҳлил қилиш асосида баҳорги юмшоқ буғдойнинг кенг мослашувчанлик потенциалига эга юқори пластик дурагайлари олиш учун чагиштиришга ташқи муҳит шароитларининг ўзгаришига таъсирчанлиги турли типда бўлган нав намуналарини жалб этиш мақсадга мувофиқлиги аниқланган;

баҳорги юмшоқ буғдой тизмаларида ўсиш жараёнларининг суткалик ва онтогенетик давридаги ўхшашлик ва фарқ генотип ҳамда етиштириш шароитларига боғлиқлиги аниқланиб, баҳорги юмшоқ буғдой тизмаларида ҳосилдорлик структураси тарқибий қисмларининг метеорологик шароитларга боғлиқ равишда шаклланишидаги фарқлари асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

чагиштиришда экологик-генетик жихатдан узоқ навлар ва шакллардан фойдаланиб туричи мураккаб босқичли дурагайлаш асосида жануби-ғарбий минтақа учун баҳорги юмшоқ буғдойнинг юқори ҳарорат ва қурғоқчиликка чидамли тизмалари яратилган;

баҳорги юмшоқ буғдойдан юқори сифатли барқарор ҳосил олиш имконини берадиган истиқболли тизмаларининг ишлаб чиқариш синови учун махсус дон ҳосили алмашуви тизимида ўсимликларни ўстиришнинг интенсив технологияси ишлаб чиқилган;

селекцион материални бир нечта экологик нуқталарда пластиклигини параллел баҳолаш учун тавсиялар ишлаб чиқилган;

ўсимликлар ўсиш жараёнларининг суткалик ва онтогенетик даври асосида баҳорги юмшоқ буғдойнинг қурғоқчиликка чидамли генотипларини танлашнинг самарали усули ишлаб чиқилган;

баҳорги юмшоқ буғдойнинг Оҳалик-1 нави яратилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотда замонавий генетик, физиологик ва молекуляр генетик усулларидан фойдаланиб олинган натижалар, уларнинг назарий маълумотларга мувофиқ келиши, статистик таҳлил учун Стьюдент критериясидан фойдаланилганлиги, Фишер дисперсиявий таҳлили (ANOVA),

регрессиявий ва кластер таҳлилларидан фойдаланилганлиги, олинган илмий натижаларни халқаро илмий –амалий нашрларда чоп этилгани ва олинган натижаларнинг амалиётга жорий қилиниб улар бўйича тегишли хулосалар олингани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Ўзбекистон жануби-ғарбий минтақасининг баҳорги юмшоқ буғдойининг маҳаллий қадимий нав намуналарининг фенотипик ва генотипик хилма-хиллиги тавсифлангани, коллекцион нав намуналарининг генетик хилма-хиллиги вариацияси ва структурасининг жўғрофий тарқалгани аниқлангани ҳамда селекция ва илмий тадқиқотлар олиб бориш учун генотиплар танлашнинг самарали усули ишлаб чиқилгани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти кўрсаткичларни тавсифий баҳолашнинг маълумотлар базалари яратилганлиги, нав намуналари терилган жойларнинг жўғрофий тавсифи баён этилган генахборот харитаси тузилгани, молекуляр-генетик тадқиқотлар учун баҳорги юмшоқ буғдойининг қадимий нав намуналари ичидан танлаб олинган бешта микросателлит локуслари аллелларининг маълум таркибига эга 34 та генотипидан иборат оригинал коллекцияси яратилгани, баҳорги юмшоқ буғдойининг қадимий нав намуналари ичидан ҳосилдорлиги ва унинг таркибий қисмлари (Ватан, Пахигандум, Н94), қурғоқчиликка чидамлик (Канагандум, Тирамохи), дон сифатининг юқорилиги (Сафедаки, Баҳорги, Сафедрозг, Н81), доннинг йириклиги (Сабзак, Дашнабади, Нармои) каби қимматли нав намуналари ажратиб олингани ва уларнинг юмшоқ буғдойининг янги навларини яратишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Баҳорги юмшоқ буғдой қадимий нав намуналарининг генетик ва физиологик хилма-хиллигини аниқлаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

туричи мураккаб босқичли дурагайлаш усули билан яратилган баҳорги юмшоқ буғдойининг Охалик-1 нави Самарқанд вилояти Жомбой тумани “Озоднурмевахосил”, “Лайло Турсунова ерлари” ва Пастдарғом тумани “Бек-Дил-Бех-Шохсуворий” фермер хўжаликларида жорий этилган (2016-2017 йй) (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 19 апрелдаги 02/021-253-сон маълумотномаси). Натижада янги яратилган Охалик-1 нави яхши сифатли ва юқори дон ҳосили олиш имконини берган.

алмашлаб экишга ихтисослашган янги технология Самарқанд вилоятининг Жомбой тумани “Озоднурмевахосил”, “Лайло Турсунова ерлари” фермер хўжаликлари, Пастдарғом тумани “Бек-Дил-Бех-Шохсуворий” фермер хўжалиги ва Нуробод тумани “Омонжон Жомғаллакори” ва “Имомтепа” фермер хўжаликлари ғалла майдонларида амалиётга жорий этилган. (Ўзбекистон фермерлар, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгашининг 2019 йил 29 майдаги 01/03-1437-сон маълумотномаси). Натижада баҳорги юмшоқ буғдойининг барқарор юқори

хосилдорлиги таъминланган, ҳамда юқори сифатли уруғлик олиш имконини берган.

Баҳори юмшоқ буғдойнинг қадимий нав намуналаридан қимматли хўжалик белгилари бўйича ажратиб олинган генотиплар Тожикистон Республикаси Генетик ресурслар марказининг “Қишлоқ хўжалик экинлари генофондини яратиш, бойитиш ва фойдаланиш” амалий лойихасида қадимий буғдой навлари генбанкни яратишда фойдаланилган (Тожикистон қишлоқ хўжалик фанлари академияси Генетик ресурслар Миллий республика марказининг 2019 йил 1 майдаги 1-40-сон маълумотномаси). Натижада донли экинлар генбанк коллекцияси бойитилган ва баҳори юмшоқ буғдойнинг янги истиқболли шакллари ва тизмаларини ажратиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Ушбу тадқиқот натижалари 15 та, жумладан 11 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 30 та илмий иш чоп этилган, шулардан 1 монография, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола, жумладан 9 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, олтита боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 197 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ


Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Буғдой генофондини ўрганишнинг генетик ва физиологик асослари”** деб номланган биринчи боби диссертация мавзусига оид маҳаллий ва хорижий олимларнинг илмий ишлари ва уларнинг тадқиқотлари натижаларининг таҳлиliga бағишланган. *Triticum L.* туркуми тўғрисида умумий тушунчалар келтирилган, буғдойнинг маҳаллий навлари ва уларнинг селекция учун аҳамияти, буғдой хилма-хиллигини баҳолашда генетик маркерлар, микдорий белгиларнинг генетик назорати кўриб чиқилган. Хотимада тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари асосланган.

Диссертациянинг **“Тадқиқот ўтказиш шароитлари, объектлари ва услублари”** деб номланган иккинчи бобида тажрибаларни ўтказиш жойи ва шароитлари, бошланғич манба ва юмшоқ буғдойнинг қадимий маҳаллий

баҳорги нав намуналари белгиларининг жўғрофий ўзгарувчанлиги ва хилма-хиллигини таҳлил қилишда қўлланадиган усуллар, генотипларини фенотипик ва генотипик ўхшашлик даражаси, миқдорий белгиларни ирсийланиш характери бўйича классификацияси ҳамда баҳорги юмшоқ буғдой тизмаларининг ўсиш ва ривожланиш хусусиятлари келтирилган. Генетик масофани молекуляр ва фенотипик дивергенция ҳамда келиб чиқиш ўртасидаги ўзаро муносабатни аниқлашга асосланган услубларни ўз ичига олган молекуляр-генетик маркерлар орқали полиморфизмни аниқлаш бўйича юқори самарали молекуляр-генетик усулларни муваффақиятли қўлланилишига доир мисоллар келтирилган.

Диссертациянинг “Юмшоқ буғдойнинг қадимий маҳаллий баҳорги намуналарининг жўғрофий тарқалганлиги ва морфологик белгилар, ҳосилдорлик кўрсаткичлари ва микросателлитлар бўйича хилма-хиллиги” деб номланган учинчи бобида юмшоқ буғдойнинг келиб чиқиши турлича бўлган қадимий маҳаллий баҳорги намуналарининг белгилар бўйича жўғрофий тарқалганлиги ва хилма-хиллигининг тақсимланганлик кўрсаткичлари келтирилган. Юмшоқ буғдойнинг қадимий намуналари орасида аниқланган селекцион қимматли генотиплар манбалари, уларнинг генетик хилма-хиллиги тузилиши, морфологик ва фенологик белгилар бўйича мажмуавий таҳлилнинг яқунлари, ўсимликлар ҳосилдорлиги кўрсаткичлари ва маълум локализацияга эга микросателлитларининг таркиби тўғрисида маълумотлар келтирилган.




1-расм. 1996-1997 йилларда экспедицион текшириш маршрутининг схемаси. Изоҳ: нуқталар билан буғдой намуналари терилган жойлар кўрсатилган.

Юмшоқ буғдойнинг қадимий маҳаллий баҳорги нав намуналарининг Ўзбекистоннинг жанубий-ғарбий минтақасида тарқалгани Қашқадарё, Сурхондарё ва Самарқанд вилоятларининг тўққизта дехқончилик туманларида йўналишли-текшириш натижасида бундай нав намуналари табиий ўсаётган 30 та худуд аниқланди ва экологик-жўғрофий келиб чиқиши бўйича фарқланадиган ва юшоқ буғдой (*Triticum aestivum* L.)нинг 3 та хилма-хиллигига мансуб 145 та қадимий маҳаллий баҳорги нав намуналарининг уруғлари териб олинди (1-расм).

Буғдой коллекцион нав намуналарининг кўпчилиги гетероген эканлиги ва иккитадан то учтагача ботаник хилма-хиллик мавжуд эканлиги аниқланди. Ҳаммаси бўлиб тадқиқ қилинган юмшоқ буғдой қадимий нав намуналарида асосан юмшоқ буғдойнинг Осиё кенжа турига мансуб 3 та ботаник хилма-хиллиги идентификация қилинди. Миқдорий нисбатда улар орасида тоғолди, тоғ, баланд тоғли туманларда тез-тез учрайдиган юмшоқ буғдойнинг қилтиқли шакллари, яъни *var.erythrosperrum*, *graecum* ва *ferrugineum* устунлик қилди (2-расм).

Таъминланган лалмида *var.erythrosperrum* денгиз сатҳидан 400 метрдан то 1700 метргача, тоғли туманларда эса 2200 метргача кўплаб учрайди. Бу хилма-хилликнинг кенг тарқалганига қарамай, ёғин миқдори кам (400 ммдан кам) бўлган баланд тоғли туманларда, денгиз сатҳидан 2600 метрдан ортиқ баландликда *var.erythrosperrum* экинлар орасидаги устунлигини йўқотади ва унинг ўрнини ригид типли *var.graecum* эгаллайди. Бироқ шуни қайд этиш лозимки, денгиз сатҳидан 2700 метр ва ундан ортиқ баландликда аралаш экинлар орасида ригид типли *var.graecum* ва *ferrugineum* устунлик қилади.



2-расм. Баҳорги юмшоқ буғдой қадимий нав намуналарининг таркибида хилма-хилликларнинг учраш динамикаси.

Юмшоқ буғдой қадимий нав намуналари ботаник хилма-хилликларининг минтақавий тарқалганлигининг қиёсий таҳлили шуни кўрсатдики, етиштириш ҳудудлари экологик шароитларининг бир хиллигида турли хилма-хилликларининг жамланиши кузатилди. Бироқ фарқларнинг катта экологик кўламида хилма-хилликлар денгиз сатхидан 2800 метрдан ортиқ ҳудудни ҳам эгаллаб кенг тарқалган. Қашқадарё, Сурхондарё ва Самарқанд вилоятларининг баланд тоғли деҳқончилик туманларида юмшоқ буғдой қадимий нав намуналари ботаник хилма-хилликларининг устунлиги суғориладиган ва лалми деҳқончиликда ўсиш шароитларининг ўзгарувчанлик кўлами билан изоҳланади.

Юмшоқ буғдой баҳорги қадимий нав намуналарининг бир хил эмаслиги. Қадимий навларнинг кўпчилиги сифатий морфологик белгиларининг намоён бўлиш характери бўйича мономорф; фақат 9 таси: N43-Канагандум, N21-Пахигандум, N20 Оби-лалми, N87-Дашнабади, N84-Сабзак, N57-Тирамохи, N94-Бобои, N81-Лайлаки баҳорги ва N63-Хупар бир хил эмасликлари аниқланди. Ҳар бири доирасида бошоқ ва дон ранги ва шакли, бошоқ ва гул пўстлоқларида тук бор-йўқлиги, қилтиқ шакли бўйича фарқланадиган иккитадан то учтагача биотиплар мавжудлиги кузатилди.

Етти ва ундан ортиқ ўсимликни ўз ичига олган навичи гуруҳларини таҳлил қилиш натижасида 40 та нав намуналарида ўсимлик бўйи, 35 тасида бошоқ узунлиги, 54 тасида бошоқдаги бошоқчалар сони, 14 тасида бошоқдаги дон сони ва бошқа белгилар бўйича ишончли фарқланишлар аниқланди. Фақатгина тўртта нав намунаси: К-55586; К-55572; N120-Қайроқтош ва 34-бисаракда ўсимликларнинг навичи гуруҳларида ҳеч қайси белги бўйича ишончли фарқланиш аниқланмади. Ва аксинча Ватан (N101), Нармои (N44), Сафедрозг (N59), Оби (N60) навларида ўсимликлар гуруҳлари бир қанчам белгилар бўйича статистик фарқланди. Шундай қилиб, буғдойнинг ўрганилган қадимий нав намуналарининг катта қисми бир хилликка эга бўлмади.

Баҳорги юмшоқ буғдой қадимий нав намуналарининг морфологик ва молекуляр маркерлар бўйича генетик хилма-хиллигини баҳолаш.

Баҳорги юмшоқ буғдой қадимий нав намуналарининг фенотипик тавсифида барча ўрганилган морфологик белгилар полиморф бўлди. Буғдой намуналари танловида энг кичик ўзгариш бошоқ тукланганлиги ($H' = 0,29$) ва кулоқча ранги ($H' = 0,38$)да бўлди. Қашқадарё, Сурхондарё ва Самарқанд вилоятлари учун буғдой қадимий нав намуналарининг барча ўрганилган морфологик белгилар бўйича полиморфизмининг умумий даражаси мос равишда $0,79 \pm 0,26$; $0,73 \pm 0,27$ ва $0,74 \pm 0,30$ ни, нав намуналарининг умумий танловида $0,78 \pm 0,33$ ни ташкил этди. Шундай қилиб, баҳорги юмшоқ буғдойнинг қадимий нав намуналари морфологик белгилар бўйича полиморфизмининг ўхшаш даражаси билан тавсифландилар, бунга Қашқадарё вилояти буғдой навлари Шеннон индекси бўйича энг юқори кўрсаткичларга

эга бўлди. Шеннон индексини қўллаган ҳолда қиёсий миқдорий баҳолаш шуни кўрсатдики, ўрганилган белгилар мажмуаси бўйича энг кенг хилма-хиллик кўплаб белгилар: ранг (1,83) ва дон катталиги (1,78) камроқ, бошоқ узунлиги (1,38), қилтиқлиги (1,34), бошоқдаги бошоқчалар сони (1,29), дон сони (1,24) ва поя узунлиги (1,11) бўйича кузатилди. Индекснинг энг кичик кўрсаткичи барг ва бошоқ тукланиши мавжудлиги (мос равишда 0,69 ва 0,63), ҳосилдор поялар сони (0,64) ва бошоқ шакли (0,58) бўйича олинди (1-жадвал).

1-жадвал

Баҳорги юмшоқ бугдой қадимий нав намуналарининг морфологик белгилар бўйича Шеннон хилма-хиллиги индекси, H'

Белгилар	Маъмурий вилоятлар				H_{max}
	Қашқадарё	Сурхондарё	Самарқанд	Умумий тўпلام	
Поя ранги	0,56	0,61	0,72	0,76	0,85
Поя қалинлиги	0,58	0,81	0,93	0,83	1,13
Поя узунлиги	0,73	0,86	0,89	0,97	1,11
Поя шакли	0,54	0,90	0,62	0,87	1,13
Ҳосилдор пояланиш	0,65	0,38	0,43	0,48	0,64
Барг узунлиги	0,69	0,94	0,89	0,90	1,06
Барг эни	0,89	0,65	0,71	0,73	1,10
Барг тукланиши	0,81	0,70	0,59	0,74	0,69
Баргларда мум қатлами мавжудлиги	0,83	0,68	0,78	0,76	1,08
Қулоқчалар катталиги	0,38	0,31	0,42	0,39	0,75
Қулоқчалар ранги	0,00	0,45	0,64	0,38	0,70
Қулоқчалар тукланиши	0,61	0,41	0,59	0,46	0,68
Бўғимлар ранги	0,67	0,70	0,62	0,69	0,74
Бошоқ қилтиқлиги	1,18	1,06	1,10	1,12	1,34
Бошоқ шакли	0,74	0,54	0,38	0,41	0,58
Бошоқ ранги	1,04	0,51	0,62	0,98	1,37
Бошоқ тукланиши	0,39	0,42	0,27	0,29	0,63
Бошоқ узунлиги	0,94	0,81	0,69	0,96	1,38
Бошоқча пўстлоғи шакли	0,61	0,44	0,50	0,48	0,73
Бошоқдаги бошоқчалар сони	1,10	1,02	1,06	1,15	1,29
Дон ранги	1,30	1,28	1,15	1,30	1,83
Бошоқдаги дон сони	1,11	1,03	1,08	1,13	1,24
Дон катталиги	1,08	1,26	1,32	1,29	1,78
Барча белгилар бўйича ўртача	0,76±0,29	0,73±0,27	0,74±0,30	0,78±0,33	1,04±0,36

Шундай қилиб, Ўзбекистоннинг жанубий-ғарбий минтақасининг қадимий юмшоқ буғдойи морфологик белгиларининг кенг хилма-хиллиги билан тавсифланади.

Генотипларнинг микросателли локуслари (МС-локуслари) бўйича хилма-хиллигининг қиёсий таҳлили баҳорги юмшоқ буғдой маҳаллий қадимий нав намуналари МС-локуслари аллелларининг учраш катталиги ва таркиби бўйича кенг хилма-хилликка эга эканликларини кўрсатди.

Ўрганилган генотиплар тўпламида аллелларнинг энг кам сони (4) Хgwm 44 ва Хgwm 415, МС-локусларида энг кўп сони эса Хgwm 190 (8) ва Хgwm 46 (12), МС-локусларида аниқланди. Бунда Хgwm 190 ($H^2=1,43$) ва Хgwm 44 ($H^2=1,81$) МС-локуслари энг юқори полиморфликка эга бўлди.

Максимал кўрсаткич ($H_{max}=1,40\pm 0,52$)га қараганда буғдойнинг тадқиқ қилинаётган навлари МС-локуслари бўйича ўзгарувчанликнинг катта даражасига эга бўлди.

Ажратилган кластерлар тузилишининг қиёсий таҳлили шуни кўрсатдики, буғдой қадимий навларининг мономорф МС-локусларида қуйидаги маҳсулотлар амплификацияси кечди: Хgwm 44 (168 п.н., Пахнгандум); Хgwm 257 (201 п.н., Оби-лалми). Навларнинг бу гуруҳида қолган локуслар полиморф бўлди ва аллел вариантларнинг қуйидаги тўплами Хgwm 46 (121,178, 260 п.н.), Хgwm 190 (99,173,177 п.н.), Хgwm 415 (135,121 п.н.) билан фарқланди.

Қадимий Пахнгандум нави Хgwm 44 (7Д хромосома) МС-локуси учун бу тўпландаги бирорта навда учрамаган ноёб аллел вариант -184 п.н. аниқланди. Хgwm 46 (7В хромосома) МС-локусида 12 та аллел аниқланди. Улар орасида 260 п.н. аллел варианты Сафедаки-баҳорги нави учун, 121 п.н. эса қадимий навлар Оби-лалми ва Хибит учун ноёб бўлди.

Иккинчи кластер навларида барча ўрганилган МС-локуслари бўйича 9 та аллел варианты идентификация қилинди. Бу гуруҳ генотиплари 1 кластер генотипларидан қуйидаги аллел вариантлари мавжудлиги билан фарқланадилар: 121 ва 190 п.н. (Хgwm 46), 99 ва 173 п.н. (Хgwm 190), 201 п.н., (Хgwm 257), 135,260 п.н., (Хgwm 415) (2-жадвал).

415 МС-локуслари (5А хромосома) бўйича Сафедаки маҳаллий навида ноёб аллел вариант 135п.н, Хупар навида эсаҚашқадарё ва Сурхондарё вилоятларининг баланд тоғли деҳқончилик туманлари нав намуналарига хос бўлган камёб 112 п.н. аниқланди.

3 кластер навлари 2 кластер навларидан қуйидагилар: Хgwm 44 локуси (7Д хромосома) 168 п.н. аллели билан, Хgwm 46 локуси (7В хромосома) 121, 190, 260 п.н., Хgwm 190 локуси (5Д хромосома)- 177, 186 п.н., Хgwm 257 локуси (2В хромосома) -201 п.н. ва Хgwm 415 локуси (5А хромосома)-112, 135 п.н. аллел вариантлари билан фарқланди.

4 кластер навлари 3 кластер навларига хос бўлган аллел вариантлари тўплами билан тавсифландилар. Бироқ, Хgwm 46 локуси бўйича уларда 149 п.н. катталиқдаги маҳсулот қайд этилди, Хgwm 190 локуси бўйича 177 п.н. аллел варианты, Хgwm 257 локуси бўйича 201 п.н., Хgwm 415 локуси бўйича

-112, 135 п.н. аниқланди. Хgwm 415 локуси бўйича 112 п.н. катталиқдаги амплификация маҳсулот фақатгина Дашнабади навида аниқланди. Нармои ва Бобои навлари юқори даражадаги ишончлилик билан бирлашадилар. Генотиплар тўпламида бешта МС-локусларида 34 та аллеллар идентификация қилинди, улардан 20,6 %и кам учрайдиган, 17,6 %и эса ноёб бўлди.

2-жадвал

Баҳорги юмшоқ буғдой қадимий нав намуналарининг
микросателлитлар локуслари полиморфизми асосида олинган кластерлари
структураси

Локус аллел вариантининг катталиги, п.н.	Кластерлар			
	1	2	3	4
Хgwm 44	168	168,184	168	168
Хgwm 46	260,121,178	121,190	121,190,260	121,149
Хgwm 190	177,173,99	99,173,413,178	177,186	99,177
Хgwm 257	201	201	201	201
Хgwm 415	135,112	135,260	135,112	135,112

Шундай қилиб, баҳорги юмшоқ буғдойнинг қадимий намуналари учун генотипларнинг учта варианты характерли бўлиб, улар ичида энг кенг жўғрофий тарқалганлари Хgwm 46 локусининг 121, 260 аллеллари; Хgwm 190 локусининг 99,177 аллеллари ва Хgwm 415 локусининг 112,135 аллелларидир, бу ушбу минтақа юмшоқ буғдой қадимий нав намуналари генофондининг умумий эканлигини кўрсатади.

Ўтказилган қиёсий таҳлил натижасида юмшоқ буғдой қадимий нав намуналари асосий миқдорий белгиларининг ўзгарувчанлик характери гентип хусусиятлари ва ташқи муҳит шароитларига боғлиқлиги аниқланди.

Баҳорги юмшоқ буғдой миқдорий белгилари ўзгарувчанлигининг етиштириш шароитларига боғлиқ равишда тавсифи. Водий шароитида “ўсимлик бўйи” белгисининг ўртача кўрсаткичи 100,3-110,1 см, тоғлик шароитида 93,9-102,1 см оралиқларда бўлди. Вариация коэффицентининг икки йиллик ўртача кўрсаткичи водийда 3,72 %, ўрта тоғликда 7,29 % ни ташкил қилди (3-жадвал).

Ҳосилдор шохланиш белгиси бўйича андозага нисбатан юқори кўрсаткич водийда к-55586, к-55572, к-24597, к-56572; ўрта тоғликда к-56581, N-21-Пахнандум нав намуналари қайд этилди. “Бошоқ узунлиги” белгисининг кўрсаткичи водийда 9,7-11,3 см, ўрта тоғликда-6,8-8,9 см бўлди. Белгининг юқори кўрсаткичлари билан водийда к-33729, к-55579, к-55570, к-55563 ларда, ўрта тоғликда эса к-33729, к-33734, к-24596, N-60 – Оби, N-57-Тирамохи ва N-43 – Канагандум ажралиб турди.

“Бошоқдаги бошоқчалар сони” белгисининг кўрсаткичлари водийда 16,5-20,2 дона, ўрта тоғликда 13,4-16,8 дона оралиғида бўлди. Энг юқори ҳосилдорлик ва мослашувчанликка N59 Сафедрозг, N21-Пахнгандум ва к-55563 нав намуналари эга бўлдилар ва улардан ушбу белгини кучайтириш учун чаптириш дастурларида кенг фойдаланиш лозим.

“Бошоқдаги дон сони” белгисининг кўрсаткичи водийда 27,8-40,2 дона, ўрта тоғликда 21,7-33,8 дона оралиғида бўлди. Бу белгининг юқори кўрсаткичлари бўйича водийда N35 – Сурххуша, N101 – Ватан, N21-Пахнгандум, N41-Канагандум, ўрта тоғликда эса к-55563, N85 – Сабзак, N87 – Дашнабади ажралиб турди.

3-жадвал

Баҳорги юмшоқ буғдой нав намуналари микдорий белгилари лимитларининг ўртача кўрсаткичи (ўртача 1998-1999 йиллар учун)

Белгилар	Худудлар					
	Водий			Ўрта тоғлик		
	Lim, х	X	V, %	Lim, х	X	V, %
Ўсимлик бўйи, см	100,3 – 110,1	104,7	3,72	93,9 – 102,1	100,8	7,29
Ҳосилдор шохланиш, дона	1,6 – 3,4	2,4	27,52	1,2 – 1,8	1,7	30,41
Бошоқ узунлиги, см	97,0 – 11,3	10,6	7,83	6,8 – 8,9	7,4	10,24
Бошоқдаги бошоқчалар сони, дона	16,5 – 20,2	16,3	11,45	13,4-16,8	14,4	13,87
Бошоқдаги дон сони, дона	28,7 – 40,2	34,2	14,35	21,7 – 33,8	28,4	15,63
Бошоқдаги дон оғирлиги, г.	1,06 – 2,55	1,41	22,81	0,96 – 1,04	1,29	25,87
Ўсимликдаги дон оғирлиги, г.	1,25 – 2,55	2,03	38,6	1,0 – 1,56	1,67	43,06
1000 та дон оғирлиги, г.	34,5 – 40,5	44,1	4,83	32,4 – 37,5	34,2	6,22

“Бошоқдаги дон оғирлиги” белгиси бўйича водийда қуйидаги нав намуналари ажратилди: к-24596, N19-Сафедаки баҳори, N20-Оби лалми, N21-Пахнгандум, N34-Гисарак, N43-Канагандум, N44-Нармои, N94-Бобои, N81-Лайлаки баҳори, N101-Ватан (1,1-2,5 г., андоза навники -1,1 г).

“Ўсимликдаги дон оғирлиги” белгиси кўрсаткичлари водий шароитида 1,25-2,56 г, ўрта тоғликда 1,0-1,56 г бўлди. к-24596, к-31433, N20- Оби-лалми, N34-Гисарак, N43-Канагандум каби вариациянинг нисбатан кенжа кўрсаткичларига эга нав намуналари ажратилди, улар чаптириш дастурларида ота-она шакллар сифатида фойдаланиш учун қимматлидир.

“1000 та дон оғирлиги” белгисининг ўртача кўрсаткичи водий шароитида 34,5-40,5 г, ўрта тоғликда 32,4-37,5 г оралиқларида бўлди.

Ўрганилаётган белгининг вариация коэффиценти водийда 4,83 % га, ўрта тоғлик шароитида 6,22 %ни ташкил этди.

Икки экологик ҳудудда бу белгининг юқори кўрсаткичлари билан кўйидаги нав намуналари ажралиб турди: Сафедрозг, к-55572, к-24596, N43-Канагандум, N20-Оби-лалми, ўрта тоғликда эса к-31838, к-24596, N21-Пахнандум, N59-Сафедрозг, N33-Хибит, N81-Лайлаки бахори, N87-Дашнабади и N34-Тирамохи.

Баҳорги юмшоқ буғдой қадимий нав намуналарининг илдиз тизими кўрсаткичлари бўйича полиморфизми.

Фенологик кузатув натижалари буғдойнинг ўрганилаётган коллекция материали илдиз тизимининг асосий асосий элементлари бўйича ишончли полиморфизмга эга эканлигини кўрсатди. Нав намуналар уруғларнинг униб чиқиш энергияси, муртак илдизлар ва поя ўсиши жадаллиги, уларнинг қалинлиги, уларнинг сони ва катталиги, пайдо бўлиш вақти ва иккиламчи илдизчаларнинг намоён бўлиш даражаси билан фарқланишлари аниқланди. Бу белги бўйича юқори кўрсаткичлар Нармои, Дашнабади, Хупар ва Оби-лалми, нав намуналарида қайд этили, улардан чатиштириш дастурларида ота-она шакллари сифатида кенг фойдаланиш лозим.

Диссертациянинг **“Баҳорги юмшоқ буғдой миқдорий белгиларининг генетик таҳлили ва ирсийланиш характери”** деб номланган тўртинчи бобида асосий миқдорий белгиларнинг экологик-генетик таҳлили келтирилган.

Юмшоқ буғдой нав намуналари ўсимликлари бўйининг экологик генетик таҳлили.

Регрессиявий таҳлил натижаларига кўра, ўрганилган барча нав намуналари ичида ўртача энг баланд ўсимликлар Самарқанд вилоятида суғориладиган шароитда (2001 й) ва Сурхондарё вилоятида ярим таъминланган лалмида (2002 й) эканлиги аниқланди. Таъминланмаган лалми ҳудудида Ғаллаорол (Самарқанд вилояти 2002 й)да нав намуналарининг ўсимлик бўйи, бошқа экологик ҳудудлардагидан 10-15 смга қисқа бўлди. Ғаллаорол шароитларида нав намуналарида ўсимлик бўйининг пасайиши ўсимликнинг фаол ўсиши ва ривожланиши даврида сув ав хароарт режимининг ёмонлашгани билан изоҳланади. Бунда турли ўстириш шароитларида белгининг аддитив (Д) ва доминант (H_1 H_2) вариансалари турличадир. Аддитив вариансанинг энг юқори кўрсаткичи Самарқанд тумани шароитида бўлиб, Жарқўрғон тумани (Сурхондарё вилояти) ва Ғаллаорол туманидан 1-1,5 марта ортиқдир.


Шундай қилиб, ўрганилган нав намуналарида ўсимлик бўйи белгисининг ирсий назоратида тадқиқот олиб борилган йил ва етиштириш ҳудудига боғлиқ бўлмаган ҳолда генларнинг аддитив ва доминант самараларини ўз ичига олувчи ирсий система ҳам иштирок этади. Ўсимлик бўйи белгисининг детерминациясида эпистатик самара аниқланмади. Олинган наижалар кўрсатадики, баҳорги юмшоқ буғдой нав намуналарининг ўрганилган тўпламида ўсимлик бўйи белгиси ташқи муҳит омиллари

таъсирида ўз экспрессиясини аҳамиятли ўзгартирадиган аддитив ва доминант самарага эга генлар томонидан назорат қилинади.

Юмшоқ буғдой нав намуналарида “асосий бошоқдаги дон сони” белгисининг экологик генетик таҳлили.

Юмшоқ буғдой нав намуналарида “асосий бошоқдаги дон сони” белгисининг экологик генетик таҳлили натижалари бу белгининг генетик бошқарилиши етиштириш ҳудудларига боғлиқ равишда ишончли фарқланади. Масалан Самарқанд туманида нав (Ватан) Хейман графиги координаталарининг энг аввалида жойлашган, бу белгининг детерминацияловчи доминант генларнинг сони энг юқори эканлигидан далолат беради (3-расм). Ғаллаорол тумани шароитларида бу нав Хейман графигининг ўртасига сурилди, яъни етиштиришнинг нисбатан юқори шароитларидан паст шароитларига ўтган сари белги 50 %га доминант генлар, 50 %га рецессив генлар билан бошқарилади.

Диаллел чатиштириш натижаларининг қиёсий таҳлили Сафедрозг нави (2) Самарқанд тумани шароитида регрессия линиясида ўнгроқ ва тақсимланиш марказидан юқориқроқ жойлашганини кўрсатди. Навнинг бундай жойлашуви Самарқанд тумани шароитида “бошоқнинг дон билан таъминланганлиги” белгиси тахминан 60%га рецессив генлар ва 40%га доминант генлар билан бошқарилишидан далолат беради.



3-расм. Ғаллаорол, 2015(а), Самарқанд, 2015(б) туманлари бўйича “асосий бошоқдаги донлар сони” белгиси учун Хейман графиги. 1-Ватан, 2-Сафедрозг, 3-Л6/1, 4-Л12/2.

Ўрганилган генетик таҳлил турли экологик ҳудудларда белгининг катталигини ва генетик хилма-хиллигини белгилайдиган генлар спектрларининг кучли қайта тақсимланиши рўй беришини кўрсатди.

Юмшоқ буғдой нав намуналарида 1000 та дона оғирлигининг генетик назорати.

Юмшоқ буғдой нав намуналарида 1000 та дон оғирлигининг генетик назорати натижалари таҳлили барча худудларда ва тадқиқотнинг барча йилларида бу белгининг ирсий назоратида генларнинг аддитив-домианантлик тизими иштирок этишини кўрсатди. Бунда белгининг бошқарилишида эпистатик генлар иштирок этмади, буни регрессия линияларининг бир хил оғиши кўрсатди (σ кўрсаткичи ишончли равишда 1 дан фарқ қилмайди). 2002 йилда Ғаллаорол туманида олинган натижалар бўйича регрессия линияси W_T ўқини ижобий томонидан кесиб ўтгани тўлиқсиз доминантлик мавжудлигини кўрсатади, бир вақтнинг ўзида барча бошқа худудларда ўта домиантлик самараси аниқланган, бу H_1/D кўрсаткичлари нисбатига тўлиқ мос келади.

Олинган натижалар асосида шундай хулосага келиш мумкинки, ташқи муҳит омиллари 1000 та дон оғирлиги белгиси катталигига ва унинг генетик назорати характериға аҳамиятли таъсир кўрсатади.

Ўрганилган нав намуналари нафақат генларнинг аддитив самараси, балки уларнинг муҳит билан ўзаро таъсири характери билан ҳам фарқланишлари кўрсатилган. Барча худудларда 1000 та дон оғирлиги белгисининг генетик назоратида генларнинг аддитив-доминантлик тизими иштирок этади.

F_1 ва F_2 ўсимликларида “бошоқдаги дон оғирлиги” белгисининг ирсийланиши. Туричи F_1 ва F_2 дурагайларида “бошоқдаги дон оғирлиги” белгисини ўрганиш натижалари кўрсатишича, Сафедрозг тестери иштирокида бошоқдаги дон оғирлиги F_1 да $1,20 \pm 0,02$ (к-24596 х Сафедрозг)дан то $1,52 \pm 0,03$ г. (к-55571 х Сафедрозг) гача ва F_2 да $1,22 \pm 0,04$ (к-55563 х Сафедрозг) дан то $1,43 \pm 0,08$ г. (к-56572 х Сафедрозг) гача ўзгарди.

Ватан тестери иштирокидаги дурагайлар гуруҳида бошоқдаги дон иғирлиги F_1 да $1,05 \pm 0,02$ (к-24596 х Ватан) дан то $1,60 \pm 0,03$ г. (к-55572 х Ватан) гача ва F_2 да $1,11 \pm 0,02$ (к-24596 х Ватан) дан то $1,32 \pm 0,02$ г. (к-56571 х Ватан) гача ўзгарди.

Олинган натижалар шундан далолат берадики, бу белги назоратининг генетик тизимида генларнинг аддитив фаолияти билан бирга доминантлик ва ўта домиантлик катта рол ўйнайди, бу эса ташқи муҳит омиллари билан боғлиқликда кечади. Сафедрозг ва Ватан тестерлари иштирокида олинган турли дурагай комбинацияларида бошоқдаги дон оғирлигини таҳлил асосида бу белги ирсийланиш характери нафақат генларнинг таъсири ва ўзаро таъсирига балки, генотипнинг ўсимликларни ўстириш шароитларига ҳам боғлиқлиги аниқланди.

Шундай қилиб, “бошоқдаги дон оғирлиги” белгисининг назоратида генларнинг аддитив таъсири билан бирга ташқи муҳит омилларига кучли даражада боғлиқ бўлган доминантлик ва ўта доминантлик ҳам катта ўрин тутаяди.

Юмшоқ буғдой нав намуналарининг поя узунлиги белгиси бўйича комбинатив қобилиятлари. Комбинатив қобилият бўйича ўтказилган тадқиқотлар натижаларининг кўрсатишича, чатиштиришга жалб қилинган

нав намуналари поя узунлиги бўйича ишончли фарқланди. Бунда ўсимликларнинг ўсиш шароитлари бу белгининг намоён бўлишига катта таъсир кўрсатадилар. Умуман олганда поя узунлиги белгиси оралик ирсийланиш билан характерланди. Бироқ, 2011 йилнинг ноқулай шароитларида F_1 нинг гуруҳлараро ўртачаси ота-она навлари кўрсаткичларидан паст бўлди, бу эса қисқа пояли ота ёки она шаклнинг қисман доминантлик қилганидан далолат беради.

